

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИГА ДОИР ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР ("Пахта иши" қатағонлари мисолида)

Юнусова Х., ЎзМУ доценти, Ерметов А., ЎзМУ т.ф.н.

Маъмурий - буйруқбозлик ҳамда ҳукмрон мафкурага асосланган шўро давлати ўз ички сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида маълум даврларда зўравонлик сиёсатини амалга ошириб турган. Умум демократик тамойиллар ва инсон ҳақ - ҳуқуқлари, миллий ҳис - туйғуларни поймол этиш, кичик халқларга нисбатан беписанд ва шовинистик муносабатда бўлиш, ҳар қандай ҳурфикрлилик ва миллатпарварликни қатъий қоралаш ушбу сиёсатнинг асосини ташкил этган. Тазйиқ ва таъқиб, зўравонлик ва қатағонлар бошқа халқлар ичида миллий руҳ ва ўзликни йўқотишга, лоқайдлик каби кайфиятларни юзага келишига сабаб бўлди. Шўро давлати томонидан бошланган қатағонларнинг охириги даври Ўзбекистонда XX аср 80 - йилларида "пахта иши", кейинроқ "ўзбеклар иши" деган маъшум ном остида тарихга кирди. Шўро давлатини қамраб ола бошлаган инқирозий ҳолатларни мавжуд тузум негизида эмас, балки «юзага келган салбий иллатларда» деб билган марказ, Ўзбекистонни тажриба - синов майдони сифатида танлаб олди. Юқоридаги "тозалаш ишларидан" кўзланган мақсадни фақат иқтисодий "жиноятчилик"ни фош этиш эмас, балки мамлакат ҳаётидаги умумий салбий ҳолатларнинг аниқ бир кўриниши бўлган кўшиб ёзишга қарши ҳаракатларни тўхтатиш, "темир интизом" билан миллий кадрларни жазолаб, эркин фикрлайдиган зиёлиларни жиловлаш, республикаларда юзага келаётган ижтимоий - сиёсий кучларни бўғиб ташлаш, миллий онг, фуқаронинг фаоллигини ҳам бир тизгинда ушлаб туришдан иборат эди. Шўролар мамлакатадаги порахўрлик, кўшиб ёзиш, давлат мулкини суистеъмол қилиш каби иллатлар фақат Ўзбекистонга хос бўлган ҳодиса деб қабул қилингани боис, республика ижтимоий - иқтисодий, сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган кадрларнинг аксарияти жиноий жавобгарликка мубтало этилди.

XX аср 80- йилларида Ўзбекистонда уюштирилган "пахта иши" деб аталган янги таъқиблар, қатағонлар шахсга сиғиниш давридаги сингари оммавий тарзда ва қонли тус олмаган, лекин таъқиб, тайзиқ қилишлар, жиноий жавобгарликка тортиш ҳоллари, эътиқоди ҳукмрон мафкура андозаларига сиғмай қолган шахсларни руҳий касаллар шифохонасига беркитиб қўйиш каби жинояткорона ишлар тоталитар тузум барбод бўлгунга қадар мунтазам давом этган.

«Пахта иши» уйдирмаларида халқ хўжалигида гўёки «жиноий ишларга қўл урган» хо-димлар жавобгарликка тортилган, улар халқ хўжалигида «кўшиб ёзишларга» йўл қўйилган-ликда айбланганлар. Оқибатда "пахта иши" уйдирмаларини текширишни бошлаган гуруҳнинг фаолияти шу даражада кучайиб кетган, маҳаллий аҳолининг норозилигини синдириш учун маҳаллий кадрларга, зиёлиларга қарши бўлган ҳаракатлар бир-бири билан уйғунлашиб кетганди.

Ўзбекистонда 1989 йилнинг иккинчи ярмидан бошланган ўзгаришлар Ўзбекистонда "пахта иши" қатағонлари билан боғлиқ бўлган Гдлян гуруҳига нисбатан муносабатни кескин ўзгартириб юборган. Шубҳасиз бу воқеаларга республика янги раҳбарияти бефарқлик билан қараб турмас эди. «Пахта иши» билан боғлиқ бўлган қонунбузарликларни фош этиш, бегуноҳ кишиларни оқлашда Ўзбекистоннинг И.А.Каримов бошчилигидаги янги раҳбарияти муҳим ишларни бошлади. Ўзбекистон ССР Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан «пахта иши»да жиноий жавобгарликка тортилганларни оқлаш учун мар-каздан мустақил тарзда ҳаракатлар бошланиб кетган. Ўзбекистонга нисбатан уюштирилган, маҳаллий раҳбарларга нисбатан бўлган муносабат ва унинг ортидан келиб чиққан «пахта иши» уйдирмалари марказдаги Иттифоқ раҳбарияти томонидан пухта режалаштирилган ишлардан бири эди. 1989 йил май ойида тузилган комиссиянинг иш фаолиятида ҳам Ўзбекистон

раҳбариятининг кўрсатадиган ёрдами муҳим аҳамият касб этар, комиссия аъзоларининг Ўзбекистонда иш олиб боришлари учун қулай шароит ва имкониятлар зарур эди. Шу боис Ўзбекистоннинг шу йилларда янги сайланган раҳбарияти томонидан ҳақиқатни юзага чиқариш мақсадида марказдан келган комиссия аъзолари ҳолис ишлашлари учун барча шароитлар яратиб берилган эди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиуми 1989 йил 12 сентябрда «пахтачиликдаги кўшиб ёзишга йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган кишиларни авф этиш мақсадида ҳужжатлар тайёрлайдиган» комиссия ташкил этди. Ушбу комиссия тайёрлаган ҳужжатларга таяниб, Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиуми жиноий жавобгарликка тортилган 43 кишини гуноҳидан ўтишни Ўзбекистон Олий Кенгашидан сўради. Унда кўплаб шахсларга белгиланган жазо муддатларини енгиллаштириш чоралари сўралган эди.

Ўзбекистонда тергов гуруҳининг қонунларни оёқ ости қилаётганлиги, инсон ҳақ - ҳуқуқлари, ҳис-туйғуларини поймол қилинаётгани ҳақида Гдлян томонидан бегуноҳ айблан-ганлардан, уларнинг оила аъзоларидан юқори ташкилотларга аризалар, шикоятлар ёзилган. Бироқ, бундай имкониятларнинг аксарияти кўриб чиқилмай, улар яна ўша Гдляннинг қўлига қайтиб тушар эди. Аризалардан қандай хулоса чиқарилгани, ариза эгалари билан ким суҳбат қилгани ҳам назорат остида бўлмаган. Шу тариқа ноҳақ камалиб, руҳий ва жисмоний кийноқ-қа солинганлар, уларнинг оила аъзолари томонидан ёзилган хат ва шикоятлар эътиборсиз қолдирилган. Бундай шикоятлар сони 1983 йилдан бошлаб айниқса кўпайган. 1984 йилда ши-коятлар сони 1212 тани, 1985 йилда 1404 тани, 1986 йилда 2414 тани, 1987 йилда 2147 тани, 1988 йилда 2180 тани ташкил этди. 1989 йилнинг биринчи чорагининг ўзида 420 тага етди.

1989 йилда Ўзбекистон меҳнаткашларидан 674 киши имзо чеккан мактуб собиқ КПСС МҚнинг партия назорати кўмитаси раиси Б.К.Пугога, Иттифок Министрлар Шўронинг раиси Н.И. Рыжковга, Иттифок бош прокурори А.Я.Сухаревга, “Правда”, “Известия”, “Литературная газетага” тахририятларига юборилди.

1989 йилга келиб Т.Гдлян ва Н.Иванов бошчилик қилган тергов гуруҳининг Ўзбекистонда йўл қўйган қонунбузарликларини текшириш юзасидан 1989 йил СССР Халқ депутатлари съездида ҳам комиссия тузилди. Ўзбекистондаги вазиятни текшириш бўйича тузилган комиссиялар фаолиятига дастлаб Т.Гдлян ва Н.Иванов ҳеч қандай эътироз билдирмаган эди. Аммо комиссия йўл қўйилган қонунсизликларни аниқлай бошлагач, улар очикдан-очик ифвогарлик йўлига ўтиб олдилар. Тузилган комиссия таркибида Гдляннинг тарафдорлари борлиги бу ҳол комиссиянинг Ўзбекистонда Гдлян фаолияти билан боғлиқ ишларни чуқур текшириб, объектив хулоса чиқаришига тўсқинлик қилди. Комиссия Ўзбекистондаги вазиятни ўрганаётган вақтида оммавий ахборот воситалари орқали турли чиқишлар қилиниб, митинглар уюштирилиб, Гдлян гуруҳининг бебошликларини оқлашга қаратилган ҳаракат ҳам қилиб кўрилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон, ўзбек халқи ҳақида яна ифволар кўпайиб кетди.

«Пахта иши», «ўзбек иши» Иттифок сиёсий раҳбарияти томонидан амалга оширилган сўнгги қатағонлардан бири бўлсада, буни шўролар мамлакатини сақлаб қолиш учун қилинган уринишлардан бири деб атаса бўлади. Бироқ бу ҳаракатлар ноҳақ айбланган ва таҳқирланган халқнинг ўз қадр - қиммати, ҳақ - ҳуқуқи учун ошқора ҳаракатлар қилишига тўсқинлик қила олмади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон шўро мустамлакачилиги даврида. – Т.: 2001 - Б. 520.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорий архиви. «Пахта иши» бўйича маълумотнома. 2 -том. 24- варақ.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорий архиви. «Пахта иши» бўйича маълумотнома. 3-том. 1-варақ.
4. РГАНИ, ф.-89, перечень-24, документ-21, л. 1.

5. РГАНИ, ф.-89, перечень-24, документ-15, л. 2.